

## **ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ДИПЛОМАТИК СОҶА ЛЕКСИКАСИННИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

**Патхиддин НИШОНОВ**

Филология фанлари номзоди, доцент  
Француз тили назарий фанлар кафедраси,  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
Тошкент, Ўзбекистон

## **ФОРМИРОВАНИЕ ЛЕКСИКИ В ДИПЛОМАТИЧЕСКОЙ СФЕРЕ ФРАНЦУЗСКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ**

**Патхиддин НИШОНОВ**

Кандидат филологических наук, доцент  
Кафедра теоретических дисциплин французского языка  
Узбекский государственный университет мировых языков  
Ташкент, Узбекистан

## **FORMATION OF DIPLOMATIC VOCABULARY IN THE FRENCH AND UZBEK LANGUAGES**

**Patxiddin NISHONOV**

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor  
Department of Theoretical Sciences of French  
Uzbekistan State World Languages University  
Tashkent, Uzbekistan

**UDC (УЎК, УДК): 81'373.46: 811.512.133: 811.133.1**

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):**

Нишонов П. Француз ва ўзбек тилларида дипломатик соҳа лексикасининг шаклланиши// Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 6 (41). — Б. 69-84.

<https://doi.org/10.36078/1643722793>

**Received:** October 20, 2021

**Accepted:** December 17, 2021

**Published:** December 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).  
This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

**Аннотация.** Соҳаларга оид лексикани ўрганиш, уни тартибга солиш масаласи тилшуносликда доимо долзарб бўлиб келган. Ўзбек тилида дипломатик соҳа лексикасининг тараққий этиши мамлакатимизда истиқлол даврига тўғри келади. Ушбу соҳа лексикасини хорижий тиллар, хусусан, француз тили билан қиёсий аспектда ўрганишга бағишланган ишлар салмоғи анча кам. Мазкур мақолада француз ва ўзбек тилларида дипломатик соҳа лексикасининг шаклланиши ва тараққий этиши қиёсий аспектда таҳлил қилинди. Шунингдек, дипломатик соҳа лексикасининг икки тилда шакл ва маъно хусусиятлари ўрганилди. Ўрганиш натижасида икки тил терминологик системасида мавжуд бўлган ўхшаш ва фарқли жиҳатлар аниқланди. Таҳлиллар натижасида дипломатик соҳа лексикасининг шаклланиши ҳар бир тилда муайян қонуниятлар асосида юз бериши тасдиқланди. Тилдаги ҳар бир сўз-лексема ўзининг систем-структур табиатига кўра, энг кичик микрогуруҳлардан тартиб, то тилнинг бутун луғавий структурасини ўз ичига қамраб оладиган энг йирик парадигма – луғат таркибигача бўлган майдонларга бевосита тегишлилиги француз ва ўзбек тиллари дипломатик соҳаси терминологиясини характерлайдиган асосий жиҳат эканлиги мисоллар

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



воситасида кўрсатиб берилди. Тадқиқот натижалари ўзаро қардош бўлмаган тилларда дипломатик лексикани қиёсий ўрганишнинг самарали усуллари бийтишга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** термин; терминология; дипломатик соҳа лексикаси; қиёсий терминология; таснифлаш; синонимик муносабатлар; антонимик муносабатлар.

**Аннотация.** Вопросы изучения лексики, относящейся к различным сферам, ее систематизации являются актуальной проблемой в языкознании. Развитие лексики дипломатической сферы приходится на годы независимости нашей республики. На сегодня недостаточно работ, связанных с изучением лексики данной сферы в сравнительном аспекте с иностранными языками, в частности с французским языком. В статье в сравнительном аспекте рассматривается формирование и развитие лексики дипломатической сферы в узбекском и французском языках. Изучаются особенности форм и значений лексики дипломатической сферы в двух языках. В результате изучения определяются схожие и отличительные стороны терминологических систем двух языков. Выявлено, что формирование лексики дипломатической сферы происходит на основе определенных закономерностей. Каждое слово-лексема по своей системно-структурной природе является членом от самых маленьких микрогрупп до самой большой парадигмы языка – словарной структуры. В исследовании на примерах обосновывается, что это является основной особенностью лексики дипломатической сферы французского и узбекского языков. Результаты исследования служат обогащению эффективных способов сравнительного изучения лексики дипломатической сферы в неродственных языках.

**Ключевые слова:** термин; терминология; лексика сферы дипломатии; сравнительная терминология; классификация; синонимические отношения; антонимические отношения.

**Abstract.** The issues of studying vocabulary related to various fields is one of the topical subjects in modern linguistics. The development of the vocabulary of the diplomatic sphere dates back to the independence years of our republic. However, there are not enough works related to the study of the vocabulary of this area in a comparative aspect. In particular, in comparison with the French language. The following article deals with the formation and development of the diplomatic vocabulary in the Uzbek and French languages. As a result, similar and distinctive features of the terminological systems of the two languages have been revealed, which are based on certain laws. Each word-lexeme, according to its system-structural nature, is a member of the smallest micro-groups to the largest paradigm of the language – the dictionary structure. The study justifies that this is the main feature of the diplomatic vocabulary of the French and Uzbek languages. The results of the study serve to enrich the diversified approaches of the comparative study of the diplomatic vocabulary of the different-system languages.

**Keywords:** term; terminology; vocabulary of the sphere of diplomacy; comparative terminology; classification; synonymous relations; antonymic relations.

**Кириш.** Дипломатик соҳа лексикаси умумдабий тил лексикасининг бир бўлаги ҳисобланиб, ўзининг махсус ва чегараланган қўлланиш доирасига эга. Халқаро алоқалар лексикаси термини мазкур тадқиқотимизда умуман дипломатия ва халқаро ҳуқуқ соҳаларида қўлланивчи сўзларни англатади.

Француз ва ўзбек тилларида халқаро алоқалар лексикасининг тарихи узок даврларга бориб тақалади. Хусусан, улар ўзбек тилида XIV–XIX асрларга мансуб турли тарихий ёзма ёдгорликларда (масалан, Замахшарийнинг “Муқадиммат-ал-адаб” асари), давлат бошлиқларининг ёзишмаларида (М. Холбеков. Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари. Самарқанд, 1996), турли луғатларда, сиёсат тарихи соҳасидаги илмий тадқиқотларда кенг учрайди.

Кейинги юз йил давомида дунёда фан, техника, сиёсат, информацион технологиялар мисли қўрилмаган даражада ривожланди. Бу ҳолат халқлар ўртасида турли алоқаларнинг ошиши ва ривожланишига олиб келди. Шубҳасиз, бу алоқа меваларидан тиллар ҳам четда қолмадилар. Ўзбек тили ҳам дунёнинг кўп тиллари билан алоқада бўлиб ўз лексик қатламини доимо бойитиб борди.

Кейинги йилларда турли тилларда терминологик системаларнинг шаклланиши, тараккий этиши, шунингдек, уларнинг ўзига хос лисоний хусусиятларини ўрганишга бағишланган кўпгина тадқиқотлар амалга оширилди. Икки ва ундан ортиқ тиллар терминологик системаларини қиёсий ўрганишга бағишланган тадқиқотлар салмоғи ҳам анчагина.

**Асосий қисм.** Рус олимлари томонидан ҳам юридик тил, қонун ижодкорлиги дипломатик соҳадаги терминларни ўрганиш бўйича салмоқли ишлар қилинган. Дипломатик соҳа лексикаси юридик соҳа лексикаси билан чамбарчас боғлиқ. В. М. Савицкий, Д. А. Керимов, Н. А. Власенко, А. С. Пиголкин кабиларнинг монографик ишларида юридик терминологиянинг турли масалалари ўрганилган. 1990 йилда А. С. Пиголкин таҳрири остида нашр қилинган “Язык закона” (“Қонун тили”) рисоласида асосан юридик терминология масалалари ёритилган. Унда юридик терминологиянинг моҳияти, юридик терминлар таснифи, юридик терминологияда синонимия, кўп маънолилиқ, чет тиллардан термин ўзлаштириш масалалари, шунингдек, юридик терминларни меъёрлаштириш (стандартлаш-тириш) ва барқарорлаштириш каби масалалар ҳам кўриб чиқилган. Р. И. Паисьева тадқиқотида ҳозирги замон рус тили юридик терминологиясининг лексик-семантик ва структур хусусиятларини таҳлил қилади.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши миллий тилимизда қонун лойиҳаларини тайёрлаш, уларни қабул қилиш имкониятларини яратди. Сир эмаски, собиқ Иттифоқ даврида хорижий мамлакатлар билан бўладиган алоқаларда рус тили қўлланилар, сўнгра шу соҳадаги ҳужжатлар миллий тилларга таржима қилинар эди. Шу боис у даврларда ўзбек дипломатик соҳа терминологияси мустақил система сифатида шаклланиши ва ривожланиши мумкин эмас эди. Фақат мустақиллик туфайлигина бу соҳани илмий ўрганиш кун тартибидан жой олди ва дипломатик тил, дипломатик терминология бўйича илмий тадқиқотлар учун кенг йўл очилди.

Икки ва ундан ортиқ тилларга оид терминларни қиёсий ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Бундай тадқиқотнинг натижалари икки ва кўп тиллик терминологик луғатлар тузишда, илмий-техникавий адабиётларни таржима қилишда қимматли материал бўла

олади. Ф. А. Циткинанинг фикрича, илмий-техник таржиманинг лингвистик назарияси ишлаб чиқилиши муносабати билан қиёсий терминологиянинг роли янада ортади. Ҳозирги кунда республикамиз халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Шу билан бирга Ўзбекистон халқаро хусусий ҳуқуқнинг қоида ва тамойилларига ҳам қўшилиб бормокда. Халқаро хусусий ҳуқуқ — турли мамлакатлар фуқаролари ўртасидаги юридик муносабатларни тартибга солувчи махсус ҳуқуқ тизимидир. Икки ва ундан ортиқ давлат фуқаролари ўртасидаги никоҳга оид, мулкӣ ва номулкӣ муносабатлар халқаро хусусий ҳуқуқнинг объекти ҳисобланади. Чет мамлакатлар фуқаролари билан ҳуқуқӣ муносабатларда қатнашувчи кишилар нафақат ўз миллий ҳуқуқ тизимини, балки ҳуқуқӣ жараёнда иштирок этаётган бошқа давлат ҳуқуқ тизимини ҳам ўрганишига тўғри келади. Бунда турли тиллар юридик ва дипломатик терминологиясини қиёсий ўрганиш натижалари амалий ёрдам бериши шубҳасиздир. Бундан ташқари қиёсий терминология чет тилларни ўргатишнинг илмӣ методикасини бойитишга ҳам хизмат қилади.

Дипломатик соҳа лексикасининг шаклланиши тилда жуда секинлик билан юз берадиган жараёнлардандир. Дипломатик соҳа лексикасини англантиш учун турли адабиётларда турли терминлардан фойдаланилади. “Дипломатик лексика” термини дипломатик термин ва сўз бирикмаларини англатади. Бироқ дипломатик ҳужжатларнинг мазмун мундарижаси халқаро масалалар ва халқаро ҳуқуқ масалаларини акс эттиради. Мана шу сабабли тадқиқотимизда “Дипломатик соҳа лексикаси” терминини ишлатишни лозим топдик.

Дипломатик соҳа лексикаси — мураккаб лисонӣ тизимдир. Бунинг бир неча исботи мавжуд. Биринчидан, дипломатик соҳани англатувчи сўзлар мазкур тизим ичида турли мавзуй гуруҳларга бўлиниб кетади. Иккинчидан, бундай сўзлар сўз ясаиш нуқтаи назардан турлича қонуниятларга бўйсунди. Учунчидан эса, семантик, стилистик жиҳатдан бундай сўзлар турли қирраларга эга.

Француз ва ўзбек тилларидаги дипломатик соҳа лексикасини лексик ва семантик жиҳатдан таҳлил қилиб уларни қуйидаги гуруҳларга бўлдик:

1. Халқаро алоқалар соҳасидаги давлатнинг маъмурий органлари ва уларнинг бўлинмалари номлари: *le ministère des affaires étrangères* — *ташиқи ишлар вазирлиги*, *l’ambassade* — *элчихона*, *la représentation* — *ваколатхона*, *le consulat* — *консуллик*, *консулхона*, *la mission* — *миссия*, *la résidence* — *қароргоҳ*, *le département de protocole* — *протокол бўлими* ва б.

Т. Л. Канделакининг таъкидлашича, мазкур гуруҳ терминлари учун “иерархик муносабатлар” характерлидир (3, 10): *элчихона* — *консулхона*, *элчихона* — *миссия*, *вазирлик* — *консуллик бўлими*, *вазирлик* — *протокол бўлими*.

Халқаро алоқалар соҳасида фаолият юритувчи шахсларнинг мансаб ва ранг номлари: *le diplomate* — *дипломат*, *l’ambassadeur extraordinaire et plénipotentiaire* — *фавқуллодда ва мухтор элчи*, *l’envoyé spécial* — *махсус вакил*, *le chargé d’affaire* — *муваққат элчи*;

2. *Le doyen* — *дуайен*, *l’agent diplomatique* — *дипломатик агент*, *le chef de la mission diplomatique* — *дипломатик миссия бошлиғи*, *le personnel diplomatique* — *дипломатик персонал*, *le secrétaire comitè*, *le Haut commissaire* — *бош комиссар*.

Юқоридаги сўзларнинг ичида “умумлаштирувчи маъно касб этувчи” ёки “доминант” маъно касб этувчи сўз бу дипломат сўзидир бошқа терминлар; *le chef de la mission diplomatique* — *дипломатик*

*миссия бошлиғи, l'envoyé — вакил, le résident — резидент* кабилар доминант сўзнинг қисмини англатувчи сўзлар ҳисобланади. Иккинчи гуруҳ терминлари ўртасида ҳам “иерархик муносабатлар” мавжуд: элчи — консул — атташе, секретарь.

3. Халқаро алоқалар соҳасида қўлланувчи ҳужжатлар номлари: *une note personnelle — шахсий нота, une note verbale — вербал нота, un traité — шартнома, un protocole — протокол, une convention — конвенция, un communiqué — коммюнике, un accord — келишув, un pacte — аҳднома, une déclaration d'intention — дoгoвop намерения, une lettre officielle — расмий хат, une lettre de créance — шионч ёрлиғи, une déclaration — декларация.*

Мазкур турдаги терминлар ичида синонимик муносабатлар ҳосил қилувчи терминлар анчагина. Улардан айримларини кўриб чиқамиз. *Accord — traité — convention — pacte.* Ушбу терминлар ўзаро синонимдир. Уларнинг барчаси ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги келишувни ифодалайди. Шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўзининг маъно оттенкасига эга бўлиб, муайян қўлланиш доирасига эгадир. *Accord* термини фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларини англатади ва ўзбек тилидаги *битим* тушунчасига мос келади. *Traité* термини эса камида икки томоннинг ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ўзаро келишувларига айтилади. Бу термин ўзбек тилидаги *шартнома* терминига мос келади. Битим билан шартнома ўртасида бир қанча фарқлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат: биринчидан, битим бир тарафнинг хоҳиш-иродаси асосида юзага келиб, бошқа томон ўзига мажбурият олмаслиги мумкин. Масалан, бирор нарсани ҳадя қилиш ёки мерос қолдиришда ҳадя ёки мерос олувчи томон ўзига ҳеч қандай мажбурият олмайди. Шартнома эса бир тарафнинг эмас, балки икки ёки ундан ортиқ томоннинг хоҳиш-иродасига кўра тузилади ва унда тарафларнинг ҳар бирига ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклатилади. Бундан ташқари, битим оғзаки шаклда тузилиши мумкин бўлгани ҳолда, шартнома фақат ёзма кўринишда бўлади. Айтиш мумкинки, “ҳар қандай шартнома битим ҳисобланса ҳам, ҳар қандай битим шартнома бўла олмайди” (2, 242). *Convention* термини мазмун-моҳияти жиҳатидан *traité* терминига яқин бўлиб, икки ёки ундан ортиқ фуқаро, юридик шахс, шунингдек, давлатлар ўртасидаги келишувни англатади. Француз тилида *convention* термини миллий ҳуқуқ соҳасида ҳам, халқаро ҳуқуқ соҳасида ҳам кенг қўлланилади. Масалан, *Convention collective du travail, Convention signée entre le patronat et les syndicats, Convention de Vienne du droit international.* *Pacte* терминига келсак, бу термин фақат давлатлар ўртасида тузиладиган, йирик сиёсий аҳамиятга молик шартномаларга нисбатан қўлланилади.

Биз юқорида кўрган лексик бирликлар ичида шартнома термини етакчи ўринни эгаллайди. У ўзига семантик жиҳатдан яқин бўлган бошқа лексик бирликлар ичида етакчи ҳисобланади: *протокол, меморандум, конвенция, битим, пакт, декларация* ва б. Баъзи терминлар мазмун жиҳатдан бир-бирига яқин: *норозилик протести — демарш; une note de protestation — un démarche; баёноат — ультиматум — une déclaration — un ultimatum.* Бу ҳужжатлар бир-бирига “амалга оширилган бирор ҳаракат юзасидан иккинчи томонга норозилик билдириш” маъноси билан яқин: *агреман — эскватура — un agrément — un exécutoire.* Мазкур ҳужжатларнинг умумий маъноси — “расмий шахс дипломатик фаолиятини амалга оширишга киришишни акредитация қилувчи мамлакатдан сўраш”.

4. Дипломатик фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларнинг номи: *une accréditation* — акредитлаш, *une ratification* ратификациялаш, *расмий тасдиқлаш*; *une dénonciation* — денонсация, кучдан қолдириш, *une prolongation* муддатини чўзиш, *une codification* — кодификациялаштириш, *une annulation* (ануляция), *une notification* (нотификация) терминлари француз тилида қўлланади; ўзбек тилида эса улар семантик калька сифатида қўлланилади.

5. Бир мамлакат томонидан бошқа мамлакатга нисбатан амалга оширилган ҳаракат билан боғлиқ халқаро юридик терминлар: *une annexion* — аннексия, *apatride f.m.* — апатризм (қонуний фуқароликка эга бўлмаган шахс) — *un génocide* — геноцид, *une intervention* — интервенция, *l'immigration* — иммиграция, *une législation* — легализация, *une réparation* — репарация, *un rapatriement* — репатриация, *une restitution* — реституция, *une repression* — репрессия. Мазкур терминлар халқаро терминлар бўлиб, ўзбек тили томонидан ўзгаришларсиз ўзлаштирилган. Халқаро терминлар ҳисобланган *une aggression*, *un apartheid* кабилар ўзбек тилига семантик калька усулида ўзлашган: *agression* — тажовузкорлик, *apartheid* — irqий айирмачилик. Бироқ ўзбек тилида агрессия ва апартеид шакллари ҳам кенг қўлланади.

Юқоридаги лексик гуруҳда ўзаро синонимик ва антонимик муносабатда бўладиган терминлар кўп: *репарация*, *реституция*; *аннексия*, *интервенция*; *иммиграция* — *эмиграция*; *аннексия* — *канитуляция*; *милитаризация* — *демилитаризация*; *депортация* — *экспатриация*.

6. Халқаро алоқаларга кирувчи мамлакатлар вакиллари ўртасидаги расмий контактларнинг номи: *une assemblée* — ассамблея, *une audience* — ауденция, *un briefing* — брифинг, *un sommet олий даражадаги учрашув*, *un entretien tête à tête* — яккама-якка учрашув, *une visite officielle* — расмий ташириф, *une réception officielle* — расмий қабул, *une conférence de presse* — матбуот конференцияси, *les pourparlers* — музокаралар.

7. Халқаро алоқаларда иштирок этувчи субъектларнинг номлари: *un apatride* — апатрид, *un réfugié* — қочоқ, *un immigrant (imigrant)* — иммигрант (эммигрант), *personne non naturalisée* — фуқаролиги йўқ шахс, *l'occupant* — босқинчи, *un citoyen* — фуқаро, *persona grata (lat. personne bienvenue)* — матлуб зот (персона грата), *persona non grata* — номатлуб зот (персона нон грата). *L'immigrant illégal* — ноқонуний муҳожир термини инглиз тилидан рус тилига у орқали эса ўзбек тилига семантик калька усули орқали 2000 йилларда ўзлаштирилган.

Юқоридаги терминларнинг баъзилари антонимик қатор ташкил қилса (*апатрид* — *бипатрид*, *персона грата* — *персона нон грата*, *иммигрант* — *эмигрант*) колганлари ўзаро синонимик қаторни ташкил этади (апатриднинг фуқаролиги йўқ шахс, қочоқ — мажбурий кўчирилган шахс).

8. Давлатлар ўртасидаги уюшмаларнинг номи: *une alliance* — альянс, *une confédération* — конфедерация, *une communauté* — ҳамдўстлик, *une union* — иттифоқ, *une fédération* — федерация.

Соҳалар терминологиясининг системали характерга эгаллиги кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилса-да, бироқ масаланинг моҳияти борасида турлича талқинлар учрайди. Е. Н. Толикинанинг кўрсатишича, терминларнинг система эканлигини олимлар уч хил тушунишади: “Баъзи муаллифлар назарида терминларнинг системали эканлиги уларнинг таснифи билан боғлиқ, бошқа муаллифларнинг фикрича, терминларнинг системалилиги, аввало, уларнинг ясалишида намоён бўлади, учинчи гуруҳ муаллифларнинг таъкидлашича, терминлар икки томонлама системалидир: биринчидан, терминологик системанинг

элементи сифатида, иккинчидан, тил системасининг элементи сифатида“ (6, 53–67). Назаримизда, ҳар бир соҳа терминологиясининг системалилиги, аввало, унинг ўзига хос бутунликни ташкил этиши ва ана шу бутунлик ичидаги элементлар бир-бирлари билан узвий алоқада эканлигида намоён бўлади.

Ҳар қандай терминологик система умумадабий тил лексик қатламининг ажралмас қисми ҳисобланади (6, 25). Умумадабий тил системасида махсус лексиканинг туганган ўрни тўғрисида олимлар ўртасида ягона қараш мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, кўпчилик тилшуносларнинг фикрича, тилнинг умумий лексикаси билан махсус лексикаси ўртасида доимий алоқа мавжуд бўлиб, улар бир-бирини тўлдириб, бойитиб борадилар. Тилнинг бу икки системаси ўртасидаги алоқа икки томонлама бўлиб, баъзан умумадабий тилдаги сўз терминологик системага, баъзан эса бунинг акси, терминнинг умумадабий тилга ўтиши кузатилади. Бу икки жараён терминологизация ва детерминологизация деб юритилади. Дипломатик соҳага оид лексика ўзининг турли функционал — стилистик хусусиятлари билан характерланади. Бундай лексика умумистеъмолдаги сўзлар, соф халқаро алоқалар лексикаси, турғун сўзлар бирикмаси ва фразеологик бириклардан ташкил топади.

#### 1. Умумистеъмолдаги сўзлар.

“Тил услубларининг шаклланишида лисоний нейтрал қатлам асосий манба бўлиб хизмат қилади ва бундай қатлам деярли барча услубларда учрайди” деб таъкидлайди Б. Н. Головин (1, 102). Улар халқаро алоқаларга оид матнларда термин характери олади ва расмий, илмий ва публицистик услубларда бундай қўлланилади: *international, une coopération, une mission, les pourparlers, un traité, une union, un accord, битим, учрашув, ажнабий, фуқаро* ва б.

Бундай сўзлар дипломатик соҳага оид матнларда кенг қўлланилади ва кўпинча полисемантик характерга эга бўлади: кардош давлатлар иттифоқи, абадий иттифоқ ишбилармонлар иттифоқи, олий даражадаги учрашув кабилар.

Терминологияда терминлар ўз хусусиятини йўқотиб, умумистеъмолдаги сўзларга айланиши жараёни кузатилади. Бу жараён муайян бир соҳанинг кенг ёйилиши ва оммаланиши натижасида юз беради. А. Ф. Фуломовнинг фикрича, “терминлар умумадабий тилга икки хил йўл билан ўтадилар: Публицистик йўл билан ва оғзаки нутқ воситасида” (9, 152).

Детерминологизацияга учраган атамалар турли лексик-семантик майдонларини янада кенгайтирадилар: *дипломат, агент, шпион, разведка, элчи* сингари сўзлар юқоридаги фикримизга далил бўла олади.

Семантик маъноси кенгайган бу сўзлар халқ оғзаки нутқида умумистеъмолдаги сўзлар сингари ишлатилади. Улардан нутқда турли стилистик оттенкаларни ҳосил қилишда фойдаланилади. Масалан, “*Нима учун орқамдан шпионга ўхшаб юрибсан?*“, “*Дипломат бўлиб кетинг-эй*“, “*Разведкага чиқибдилар-да?!*”.

2. Фақат халқаро алоқаларга оид матнларда қўлланиладиган терминлар.

Бу гуруҳга кирувчи терминлар фақат дипломатик идоралар ҳужжатларида ва халқаро ҳуқуққа оид илмий матнларда қўлланилади: *la déportation, un communiqué, un doyen, le rapatriement, экстерриториаллик, дахлсизлик, нокомбатант кабилар*.

Мазкур гуруҳ терминларининг бошқа функционал услубларга оид матнларда келиши жуда чекланган. Публицистик услубда улар юридик

ёки дипломатик мавзудаги матнларда қўлланилади. Масалан, “*Франция Республикаси қонунчилигига асосан, аноним гувоҳнинг манзили ҳар бир саҳифаси парафирланадиган махфий журналда қайд этилади*”; “*Реституция ва репарация давлатларнинг моддий жавобгарлик шакли ҳисобланади*”.

3. Терминологик кўринишдаги сўз бирикмалари.

Бундай сўз бирикмалари ўзларининг мазмун ва функциясига кўра термин ҳисобланса, синтактик структурасига кўра эса сўз бирикмаси ҳисобланади. Бундай терминлар дипломатик соҳага оид матнларда кўплаб учрайди ва уларнинг таркибида умумистеъмолдаги сўзлар ҳам қатнашади. Масалан: *un traité préliminaire, un communiqué commun, les personnes déplacées, қўшма баёнон*.

Дунёнинг кўпгина тилларида, хусусан, ўзбек тилида ҳам лотин ва француз тилларидан кириб келган дипломатик соҳа терминлари қўлланилади. Ўзбек тилида қўлланувчи мазкур гуруҳ терминларини икки тоифага ажратдик:

а) француз ёки лотин тилидан ўзбек тилига ўзлашган ҳамда ўзбек графикасида қўлланадиган бирикмалар: “*Персона нон грата*”, “*Статус кво*”, “*де факто ҳуқуқий ворислик*”;

б) ўзбек тилида қўлланадиган французча ва лотинча бирикмалар. Бундай бирикмалар ўзбек тилида француз ва лотин тили графикасида ўзгаришсиз қўлланади; “*modus procedendi*”, “*casus belli*”, “*casus foederis*”, “*Ушбу қоида pacta sunt servanda деб аталади*” (5, 125)

4. Термин бўлмаган сўз бирикмалари.

Бу гуруҳга шундай сўз бирикмалари кирадики, уларнинг маънолари бирикмани ташкил этувчи компонентлар мазмунидан келиб чиқади. Бундай бирикмалар қўлланиш частотаси юқори бўлишига қарамай, улар термин ҳисобланмайди: *une visite officielle, une visite amicale, дўстона визит, une échange de vue фикрлар алмашуви, абадий дўстлик ҳақидаги шартнома*.

Мазкур гуруҳга халқаро алоқалар “этикет лексикаси” ҳам киради. Бундай сўзлар ва бирикмаларни мазмунига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин: а) умумэтироф этилган мурожаат шакллари, давлат арбоблари, диний ва сиёсий арбоблар мансаб даражалари номлари: *Son Excellence, Жаноби олийлари, Monsieur l’Ambassadeur, Жаноб элчи, le Prince Eritier, Ҳазрати олийлари, Олий Аҳдлашаётган томонлар — les Hautes Parties Contractantes, Sa Majesté la Reine Elizabeth, Рим Панаси Иоанн Павел II*; б) халқаро алоқалар субъектларига нисбатан билдирадиган ҳурмат маъносидаги иборалар: “*Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз*”, *Recevez, Monsieur, l’assurance de ma très haute considération*. в) расмий ёзишмаларда қўлланадиган ва кўпинча юридик маъно ҳам касб этадиган сўз бирикмалари ва гаплар. Улар протокол характерида эга бўлган ҳужжатларда кўплаб қўлланади: “*j’ai l’honneur de vous informer...*”, “*мамнуниятимни изҳор этиб*”, “*Le Ministère des Affaires étrangères de la République d’Ouzbékistan présente ses compliments au Ministère des Affaires étrangères de la République française et a l’honneur de lui faire savoir...*”

Фразеологик бирикмалар.

Мазкур гуруҳга кирувчи ибораларни икки гуруҳга бўлдик: а) шаҳарлар, бинолар, кўчалар, идораларни ўз номи билан эмас, балки кўчма маънодаги метонимик бирикмалар билан аташ. Бундай номлашлар француз тилида ўзбек тилига қараганда кўпроқ қўлланишини аниқладик: *Le Palais de l’Elysée* (Франция Президенти қароргоҳи), *Le Quai d’Orsay* (Франция Ташқи Ишлар Вазирлиги), *Le Palais de Matignon* (Франция



Бош Вазири қароргоҳи), La Maison blanche — Оқ уй (АҚШда), Le Pentagon — Пентагон (АҚШ мудофаа вазирлиги). б) Халқаро сиёсатнинг баъзи ходисаларини ёки алоҳида сиёсий доктриналарни номлаш учун қўлланадиган ифодали бирикмалар: *la politique de bon voisinage, la zone des grands interets, le gouvernement marionette, la guerre froide, la première dame*. Ўзбек тилига бундай иборалар асосан рус тили орқали калькалаш усулида кириб келган: *совуқ уруш, қўғирчоқ ҳукумат, биринчи леди кабилар*.

Шуни қайд этишимиз керакки, дипломатик соҳага мансуб лексик қатлам ҳам тил лексикаси умумий қонуниятлари асосида ривожланиб боради. Француз ва ўзбек тилларининг дипломатик соҳага оид сўзлари асосан у ёки бу тилнинг соф терминлари ва бошқа тиллардан кириб келган терминлардан ташкил топади (4, 23).

Юқорида таъкидлаганимиздек, тилнинг лексик таркиби соф лексик қатлам ва бошқа тиллардан ўзлашган қатлампидан ташкил топади. Француз тили дипломатик соҳасида ўзлашган қатлам алоҳида ўрин эгаллайди. Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш халқлар ўртасида бўладиган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг табиий натижаси сифатида юз беради. Халқлар ўртасидаги бундай алоқаларнинг юксалиб бориши билан сўз ўзлаштириш ҳам ортиб боради.

Сўз ўзлаштиришнинг манбаи — кишилар ўртасидаги оғзаки алоқалар ва расмий ёзишмалар бўлиши мумкин. Дипломатик соҳага эса сўз ўзлаштириш дипломатик хизматчилар ўртасидаги оғзаки суҳбатлар, турли идоралар ўртасидаги расмий ва норасмий ёзишмалар асосида юз беради.

Дипломатик соҳага сўз ўзлаштириш бир неча усул билан амалга ошади. Улардан қуйидагиларни кўриб чиқамиз:

1. Сўзни ўзгаришсиз қабул қилиш. Бундай усулда сўз ўзлаштирилганда, сўз на фонетик, на график ўзгаришларга учрайди.
2. Семантик калькалаш йўли билан сўз ўзлаштириш.
3. Фразеологик калькалаш йўли билан сўз ўзлаштириш.

Француз тили ўзлашмалари тўғрисида гап кетганда, албатта, лотин тилидан сақланиб қолган сўзлар тўғрисида гапириш жоиз бўлади. Хусусан, дипломатик соҳада қўлланадиган *charte* сўзи лотинчадир. Лотин тилида бу сўз “карта”, “қоғоз” деган маъноларни билдиради.

Бу сўз қуйидаги сўзларнинг асосидир: *charte-partie, chatisme, charrier*. *Chartre* сўзи эса *charte* сўзининг варианты ҳисобланади. *Charte* сўзининг луғавий маъноси — “фундаментал қоидалар, қонун”. *La charte des droits de l’homme* Инсон ҳуқуқлари хартияси. *la charte de l’ONU* — БМТ низоми. Кўриб турганимиздек, БМТнинг асосий ҳужжати бўлган хартияни ўзбек тилида низом деб аташ қабул қилинган.

*Accord* сўзининг этимологик келиб чиқиши лотин тилига бориб тақалади: *accordere, ad-vers cor, cordis — coeur*. Бу сўз ҳам бошқа кўпгина сўзларнинг этимологик асоси ҳисобланади: *accordailles, accord-cadre, accorde, accorder, accordeur*.

*Agent* сўзи ҳам лотин тилидан келиб чиққан. Лот. *agere — agir; agent judiciaire, agent consulaire, agent diplomatique, agent international, agent de la force publique, agent de la police judiciaire, agent d’une puissance étrangère, agent de l’Etat*.

*Belligérance* — лотинча сўз бўлиб *belligerare — faire la guerre* маъносини билдиради.

Бу сўз уруш ҳаракатларида бевосита иштирок этаётган давлатга нисбатан қўлланилиб, “уруш қатнашчиси”, “урушда қатнашаётган”

“давлат” маъноларини англатади: *conflit, aggression, rupture de la paix, menace*.

*Contrat — contrahere — rassembler, réunir, conclure* маъноларини билдиради. Халқаро алоқалар соҳасида бу сўзнинг қуйидаги шакллари мавжуд: *contrat administratif, contrat à titre succcessive, contrat aléatoire, contrat à titre gratuit, contrat à titre onéreux, contrat bilatéral, contrat multilatéral, contrat — cadre, contrat — collectif, contrat d’adhésion, contrat de représentation, contrat de solidarité, contrat international, contrat solennel*.

*Coopération —* лотинча сўз бўлиб, *cum (avec)* ва *opera (oeuvres)* сўзларидан ташкил топган; *coopération internationale —* халқаро ҳамкорлик.

Дипломатик соҳадаги француз тили лексикаси ичида грек тилидан ўзлашган сўзлар кўпчиликни ташкил этади. Бунинг асосий сабаби қадимги Греция цивилизациясининг нақадар ривожланган бўлганида ва турли сиёсий, фалсафий илмларнинг айнан мана шу мамлакатда пайдо бўлганлигидадир.

Грек тилидан француз тилига кириб келган сўзларни келтирамиз: *amnistie, analogie, anarchie, apatride, aristocratie, asile, autofinancement, autogestion, autonome, hiérarchie, homologation*.

Энди бошқа тиллардан кириб келган сўзларни кўрамиз. Инглиз тилидан: *club — réunion (club de Paris, club du G-8); coalition — s’unir, comité (commitee), firme (firm), Ggentlemen’s Agreement*. Италия тилидан: *Ambassade (ambasciata), Ambassadeur (ambasciatore), Contrebande (contrabbando), Groupe (gruppo)*. Испан тилидан: *embargo*.

Шуни таъкидлаш жоизки, халқаро алоқаларда қўлланадиган баъзи бир француз тили сўзларининг этимологик келиб чиқиши номаълум. Масалан, *complot*. Жерард Корньюнинг “*Vocabulaire juridique*” луғатида бундай сўзлар сони ўнтадан ошмайди.

Энди француз тилидан рус тили орқали ўзбек тилига кириб келган терминларни айримларини кўриб чиқамиз: атташе — “кичик дипломатик ранг; маълум бир соҳа вакили бўлган дипломатик хизматчи”. Француз тилида *attaché* сўзи “бириктирилган” деган маънони англатади. Ҳозирги даврда *атташе* сўзи билан қуйидаги бирикмалар мавжуд: *ҳарбий атташе, ҳарбий — денгиз атташе, ҳарбий — ҳаво кучлари атташеси, махсус атташе (қишлоқ хўжалиги, саноат, маданият, техника, молия, савдо-сотиқ, илм-фан), пресс-атташе, фахрий атташе*.

*Демарши —* бошқа давлатнинг ҳукумати, ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга ошириладиган дипломатик ҳаракат. Унинг мазмуни қуйидагича бўлиши мумкин: илтимоснома, норозилик билдириш ва ҳ. Мазкур термин француз тилида XVIII асрнинг 50 йилларида “агрессор” маъносини англатувчи *ҳарбий* термин саналган.

*Дипломатик иммунитет —* “дипломатик вакил ва унга тегишли бўлган бинога нисбатан дахлсизлик ҳуқуқи”. Мазкур термин барча Ғарбий Европа тилларида учрайди.

*Нейтралитет —* “давлатнинг халқаро-ҳуқуқий ҳолати бўлиб, унга кўра мазкур давлат ҳеч қандай урушларда қатнашмасликни, бошқа давлатлар билан тенг алоқаларда бўлиш мажбуриятини олади”. Нейтралитет кўпгина давлатларнинг ижобий ташқи сиёсати бўлиб, улар тинчлик даврида ҳарбий блокларга қўшилмайдилар ва тинчлик учун фаол курашадилар. Ўзбек тилида мазкур терминнинг “қўшилмаслик” деган шакли ҳам учрайди.

*Акцепт кредити —* банклар томонидан банклардаги экспорт қилувчилар кўчириб оладиган ўтказилувчи векселлар (тратт) акцепти

шаклида бериладиган кредит; ташқи савдони банк томонидан кредитлаш шаклларида бири.

Ўзбек тили лексикасининг ўзлашма қатлами асосан араб, форс-тожик, рус ва у орқали европа тилларидан кириб келган сўзлардан ташкил топган. Бу ҳолат дипломатик соҳа терминологиясига ҳам таалуқлидир.

Форс-тожик тилларидан кириб келган сўзлар ўзларининг бой тарихига эгадир. Зеро, ўзбеклар қадим замонлардан эрон (сўғдий) уруғлари билан ёнма-ён яшаб келишган. Сўғдийларнинг тили форс тили бўлиб, улар доимо аждодларимиз билан маданий ва иқтисодий алоқада бўлиб келганлар. Тиллар ўртасидаги бу контакт эрамизнинг биринчи минг йиллигидан бошлаб, VII асрга қадар давом этган. Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши тиллар ўртасидаги бу алоқаларга нуқта қўйди. Бироқ XI–XII асрлардан бошлаб форс адабий тили ва тожик тили диалектлари араб тилини секин-аста сиқиб чиқара бошлайди, хонликларда идора ишлари XV асрдан XIX асрнинг ўрталарига қадар форс тилида олиб борилган.

Форс тили билан туркий тиллар ўртасидаги алоқаларнинг бу қадар ривож топиши тожик, эрон халқлари аждодлари билан туркий халқлар аждодлари бир давлат тизими ичида яшаганликлари ҳамда бир хил турмуш тарзига эга бўлганликлари билан изоҳланади.

Ўзбек тили дипломатик соҳаси терминологиясида соф форс сўзлари камчиликни ташкил этади. *Анжуман, жаҳон* сўзлари расмий, илмий, публицистик матнларда терминологик характер касб этади.

Дипломатик соҳа лексикасида форс-тожик сўзлари ва тил элементларининг салмоғи катта. Улар сўз яшашда ҳам фаол иштирок этадилар. Бундан ташқари улар ўзлашган сўзлар таркибида ва соф ўзбекча сўзлар ва тил элементлари таркибида янги ўзбекча сўзлар ҳосил қилишда, семантик калькалар ва ярим калькалар ҳосил қилишда иштирок этадилар. Масалан: *хона* сўзи билан: *элчихона, консулхона, ваколатхона* сўзлари, *гоҳ* қўшимчаси билан *қароргоҳ, манзилгоҳ* сўзлари ясалган.

Маълумки, ҳозирги замон ўзбек тили тарихда қуйидаги ривожланиш босқичларидан ўтган: қадимги туркий; туркий (XI–XII асрлар); қадимги ўзбек (XII–XVIII асрлар); янги ўзбек (XIX аср бошларидан XX аср бошларига қадар); ҳозирги замон ўзбек тили. Туркий тилларнинг хусусан ўзбек тилининг шаклланишида ўрта асрларда эрон тиллари муҳим рол ўйнаган (XV–XIX асрлар). Бу даврда туркий тиллар оддий сўзлашув тили бўлиб, давлат ишлари форс тилида олиб борилган. Ўрта Осиё халқлари ислом динини қабул қилгандан кейин араб тилининг роли кучая бошлаган. VIII–XI асрларда араб тили нафақат диний тил бўлган, балки давлат ишлари, маъмурий ишлар ана шу тилда олиб борилган. Ана шу сабабдан ўлкада билингвизм (ўзбек-араб, ўзбек-тожик...) ва полингвизм (ўзбек, араб, форс, тожик...) элементлари шакллана борган. Бу эса бир тилдан иккинчи тилга сўз ўзлаштиришни енгиллаштирган.

Ўзбек тили дипломатик соҳа лексикасини этимологик нуқтаи назардан таҳлил қилганимизда, араб тилининг тилимизга нақадар кўп таъсир этганлигини кузатамиз. Улардан айримларини кўриб чиқамиз: *вазир — ministre, вазирлик — ministère, котиб — secrétaire, котибият — secrétariat, девон — administration, Президент Девону — administration présidentielle, жаноб — monsieur, мулк — bien, пакт — pacte* (бу сўз араб тилига Рим Империяси даврида латин тилидан кириб келган), *масарруф — compétence, ноиб — député, мажлис — réunion, assemblée, Олий Мажлис — Oliy Majlis; шаҳодат, мусодара — confiscation, ҳоқимият —*

*gouvernement, ҳакам — juge* (ўзбек тилида “ҳакам” сўзи фақат спорт терминологиясида қўлланилади); *pauc — président, вакил — représentant, ваколат — mandat, аскар — soldat, мухторият — antonomie, табақа — rang.*

Кўриб турганимиздек, араб тилидан кириб келган сўзлар тилимизда сиёсий, ҳуқуқий, илмий, маъмурий ва бошқа соҳаларда жуда кенг қўлланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, умуман ўзбек тилининг илмий, расмий услубларининг шаклланишида араб тили жуда муҳим рол тутган. Газетадан олинган қуйидаги гап таркибининг 40% арабча сўзлардан ташкил топганлиги юқоридаги фикримизнинг нақадар тўғри эканлигини тасдиқлайди: “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида жаҳонда қочоқлар муаммоси ҳақида гап борди”.

Араб тилидан ўзлашган баъзи сўзлар стилистик жиҳатдан нейтрал бўлса-да, халқаро алоқаларга оид матнларда терминологик характер касб этадилар. Масалан: *аҳвол; халқаро аҳвол — la situation internationale; мухтор вакил — le représentant plénipotentiaire; ваколатли шахс — la personne compétente; иттифоқ — l’union; вазият, сиёсий вазият — la situation politique; байналминал — internationale; давлат — l’Etat; мамлакат — le pays; очиқ сиёсат — une politique ouverte; маросим: кузатиш, кутиб олиш маросими — la ceremonie de reception; мартаба: дипломатик мартаба — le rang diplomatique; мактуб: Президент мактуби — le message du Président; жаноби олийлари — votre Excellence; муҳожир: l’immigré; вазир: ташқи ишлар вазир — ministre des affaires étrangères; ташириф: расмий ташириф — une visite officielle; асир — un prisonnier; жосус — un espion; котиб — le secrétaire; мақом — le statut; олий мақом учрашув — une rencontre au sommet; можаро; қуроли можаро — un incident militaire; муваққат вакил — le chargé d’affaires; ҳукумат — gouvernement.* Мазкур сўзлар халқаро алоқаларга оид матнларда қўлланганда, терминологик характерга эга бўладилар.

Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган сўзлар асосан тўғридан-тўғри лексик ўзлашиш усулида кириб келган. Улар сўз яшашда фаол, ўзбек тили қўшимчаларини қабул қилади, ўзбек тили грамматикаси қоидаларига мос бўлиб, янги сўзлар ҳосил қилишда асос бўлиб хизмат қиладилар.

Масалан, арабча сўз аҳд билан ясаладиган сўзларга эътиборимизни қаратамиз: *аҳд — аҳдлашмоқ — аҳд қилмоқ — аҳднома — аҳдлашув — аҳдлашаётган.*

Халқаро алоқалар соҳасида қўлланилиб келинган кўпгина араб тилидан кирган сўзлар бугунги кунга келиб, архаизмларга айланган ва фақат тарихий бадий асарларда стилистик мақсадларда ишлатилади. Масалан: *айбона — une contribution; байналхалқ — international; барот — la lettre de l’ambassadeur; муҳораба — une intervention; мусоҳаба — un briefing; мухторият — une autonomie; муҳораба — une guerre; машварат — une consultation, les pourparlers; табаа — un citoyen; фатқ — une occupation.*

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон мустақиллика эришгандан сўнг, эскириб қолган кўпгина арабча сўзлар яна тилимизда қўллана бошлади. Улар кўпинча рус тилидан кирган ёки рус тили орқали Европа тилларидан кирган сўзлар ўрнида қўллана бошлади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам тилда мустақил ўрин эгаллаб қололмай истеъмолдан тушиб қолмоқда. Бугунги кунда бундай сўзлардан қарор, *мусоҳаба, муҳолифат, муҳожир, раддия, жаноби олийлари, зоти*

*олийлари, ҳазрати олийлари, ҳад, ҳуқуқ, фуқаро кабилар* публицистик, илмий матнларда кенг қўлланилмоқда.

Ўзбек тили халқаро алоқалар соҳасида рус тили ва у орқали Европа тилларидан кириб келган сўзлар алоҳида ўринни эгаллайди. Бундай сўзларнинг тилимизга кириб келишининг бир неча сабаблари бор.

Биринчи сабаб шундаки сўз ўзлаштираётган тилда ўзлаштирилаётган терминга эквивалент мавжуд бўлмайди. Масалан, *дуайен* (дипломатик корпус раҳбари) термини ўзбек тилига ўзгаришсиз ўзлаштирилган, чунки ўзбек тилида мазкур терминнинг на муқобили, на синоними мавжуд.

Иккинчи сабаб — бу мамлакатимизда кўп йиллар давомида билингвизмнинг мавжуд бўлишидир. Узоқ йиллар давомида мамлакатимизда рус ва ўзбек тиллари бир хил даражада ривожланиб келди. Ана шу сабабли сўзларнинг бир тилдан иккинчи тилга ўзлашиши табиий равишда енгиллашади.

Ўзбек ва рус тиллари ўртасидаги контактларнинг бошланиши XVI–XVII асрларга бориб тақалади. XIX асрнинг 70 йилларига келиб эса Ўрта Осиёда Россиянинг сиёсий таъсири кучая борди ва буни натижасида рус тили сўзлари, хусусан, халқаро алоқалар терминлари, ўзбек тилига кўплаб кириб кела бошлади. Кейинчалик рус тили орқали тилимизга латин, грек сўзлари ҳам кириб келди.

Ўзбек тили дипломатик соҳа лексикасида рус тилининг ўз қатламига мансуб ўзлашма терминлар у қадар кўп эмас. Бу ўринда шуниси муҳимки, ўзбек тилига турли Европа тилларидан ўзлаштирилган терминларнинг деярли барчаси рус тили орқали ўзлаштирилган, бошқача айтганда, шу тилларнинг сўз ва терминларини ўзбек тилида ифодалашда уларнинг, асосан, русча шаклини норматив сифатида олиш қабул қилинган (8, 124). Шунинг учун тадқиқотимизда рус тилидан ва у орқали роман-герман тилларидан ўзлаштирилган терминларга ягона “русча-байналмилал терминлар” сифатида қаралади.

Айнан ўзлаштирилган русча-байналмилал терминларга қуйидагиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин: *альтернат, анклав, аннексия, арбитраж, атташе, ауденция, бойкот, виза, визит, геноцид, нунций, гимн, демарш*.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, туб терминлардан ташқари айрим қисқартма терминлар ҳам ўзбек тилига айнан ўзлаштирилган. Масалан, *ЮНЕСКО, НАТО, ФИФА, СЕАТО* кабилар.

Ўзбек тилининг дипломатик соҳа лексикасига рус тилидан бир қатор бирикма терминлар ҳам ўзлаштирилган. Ўзбек тилига асосан икки компонентли содда бирикма терминлар ўзлаштирилган бўлиб, мураккаб бирикма терминларнинг ўзлаштирилиши деярли учрамайди. Масалан, *парламент спикери, адвокатлар бюроси, банк депозити, ипотека банки, коллизия нормалар, лицензия комплекси, устав фонд* ва бошқалар.

Рус тилидан ярим калькалаб ўзлаштирилган терминлар ҳам анчагина. Масалан, *акредитование* терминининг ясовчи қўшимчаси -н(ие) ҳисобланади. Мазкур қўшимча жараён номини билдириб келади. Ўзбек тилида эса бундай вазифани *-лаш* (лаштириш) қўшимчаси бажаради. Рус тилидаги -н(ие) қўшимчасини ўзбек тилидаги *-лаш* қўшимчаси билан алмаштирсак, *акредитлаш* термини ҳосил бўлади ва бу термин рус тилидаги *акредитование* сўзининг маъносини тўлиқ ифодалайди. Шунга кўра рус ва ўзбек тилларидаги юқоридаги икки терминнинг маъноси бир хил. Ўзбек тилига ярим калькалаб ўзлаштирилган терминларга яна қуйидагиларни келтириш мумкин: *аппаратчик — аппаратчи, банкротство — банкротлашиши*,

*демократизация — демократлаштириши, депутатство — депутатлик, терроризм — террорчилик* (Ўзбек қонунчилик тилида мазкур терминнинг айнан ўзлашмаси бўлган *терроризм* термини ҳам кенг қўлланилади), *консульство — консуллик, авалист — авалчи*.

Русча-байналмилал бирикма терминлар ҳам ўзбек тилига ярим калькаланиш усулида ўзлаштирилади. Бундай бирикма термин компонентларидан бири асл ҳолда ўзбек тилига ўтади. Бошқа компоненти ўрнига эса унинг ўзбекча муқобили олинади. Масалан, *адвокатлар ҳайъати, конституциявий қонун, юридик жавобгарлик, негатор даъво, айбисизлик презумпцияси, қонунчилик палатаси, олий суд, ижтимоий фонд*.

Рус тилидан ўзбек тилига қабул қилинган ўзлашма бирликлар ичида тўлиқ калькалаб ўзлаштирилган терминлар кўпчиликни ташкил этади. Ўзбек дипломатик терминологиясига рус тилидан қуйидаги тузилишга эга терминлар тўлиқ калькаланиш йўли билан ўзлаштирилган:

1. Ясама терминлар: *международ+ный — халқ+аро; вклад+чик — омонат+чи; посред+ник — восита+чи; организа+тор — ташкилот+чи; избира+тель — сайлов+чи; исполни+тель — ижро+чи; право+вед — ҳуқуқ+шунос; со+дружество — ҳам+дўстлик; со+председатель — ҳам+раис; со+автор — ҳам+муаллиф*.

2. Рус тилидаги қўшма терминлар ўзбек тилига бирикма тарзида калька қилинади. Бу ҳодиса ҳар икки тилнинг турли системаларга оидлиги билан изоҳланади. Масалан: *двоевластие — икки ҳокимиятчилик; многопартийность — кўп партиялилик; многонациональность — кўп миллатлилик; многодетность — кўп фарзандлилик; трудодень — меҳнат куни*.

3. Бирикма терминлар: *обвинительный приговор — айблов ҳукми; вещественные доказательства — ашёвий далиллар; право неприкосновенности — дахлсизлик ҳуқуқи; должностное лицо — мансабдор шахс; лицо без гражданства — фуқаролиги йўқ шахс; лишение гражданства — фуқароликдан маҳрум қилиши*.

Интернационал терминларнинг ўзбек тилига кириб келишининг учинчи сабаби экстралингвистик характерга эга. Ўрта асрларда Ғарбий Европада дипломатия тили лотин тили ҳисобланган. XVIII асрдан эса бу рол француз тилига ўтган. Дипломатлар ўртасидаги алоқалар тўғрисидаги қоидалар, турли дипломатик маросимларни ўтказиш тартиби, дипломатик ёзишмалар ва ҳужжатларни юритиш тартибини ўз ичига олувчи Дипломатик протоколни айнан французлар ўйлаб топишган.

Бунинг натижасида дипломатик мансаблар, дипломатик ҳужжатлар, идоралар, ҳаракатларни англатувчи терминлар тизими шаклланди. Бу нарса халқаро алоқалар соҳасидаги ҳужжатларни таржима қилишда ва терминларни талқин қилишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни олдини олади, турли давлат вакилларига бир-бирларини тушунишга ёрдам беради. Айнан мана шу сабабдан халқаро алоқалар соҳасидаги кўпгина интернационал терминлар бошқа тилларга хусусан ўзбек тилига ўзгаришларсиз ўзлаштирилган.

Энди рус тили орқали ўзбек тилига кириб келган интернационализмлардан баъзиларини кўриб чиқамиз: *брифинг, саммит*; инглиз тилидан: *конгресс, атташе, ассамблея; корпус, дуайен, демарш*; француз тилидан: *консул, нота, интеграция, реституция, репарация, конвенция, декларация, ратификация, миссия, контрибуция, экспатриация, депортация*.

Бошқа тиллардан сўз ўзлаштиришнинг тўртинчи сабаби — нутк жараёнини тежаш. Ўзбек тилидан муайян тушунчани англлатувчи термин бўлмаган тақдирда уни тасвирлаш воситасида ифодалаш мумкин. Бирок бу усулдан бошқа тилдан термин ўзлаштириш қулайроқ. Масалан, рус тилидан *-ация* қўшимчаси билан тугайдиган аккредитация, ратификация сўзлари ўзбек тилига ўзлаштирилган бўлса, *-ирование* қўшимчаси билан тугалланувчи *депонирование, парафирование, интегрирование* сўзлари ўзбек тилида тасвирлаш усулида ифодаланади. *Парафирлаш* — “шартномани тузишга ваколатли бўлган дастлабки имзолаш, халқаро ҳуқуқда шартномани тасдиқлаш” (7, 141).

Ўзбек тилига ўзлашган “интернационализм” терминларни ўрганиш натижасида шуни таъкидлаш керакки, улар айниқса XX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан тилимизга кўплаб кириб келган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, француз тилида дипломатик соҳага оид лексик бирликларнинг бир қисми қисқартма сўзлардир. Масалан, *ACICI — Agence de coopération et d’information pour le commerce international. Organisation internationale d’aide aux pays défavorisés, basée à Genève; ACP — (Groupe des) Etats d’Afrique, des Caraïbes et du Pacifique. Voir Accord de Cotonou, APEet Convention de Lomé; ADM — Armes de destruction massive; AELE — Association européenne de libre-échange. Zone de libre-échange composée de l’Islande, du Liechtenstein, de la Norvège et de la Suisse; AEM — Accord environnemental multilatéral. Terme générique uti-lisé pour les accords multilatéraux sur l’environnement; AG — Assemblée générale des Nations Unies; BIRD — Banque internationale pour la reconstruction et le développement. Une des institutions spécialisées, composée des membres du FMI qui ont accepté les Statuts de la BIRD.*

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Головин Б.Н. Лингвистические основы учения о терминах. — М.: В.Ш., 1987. — 103 с.
2. Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. — Тошкент: Адолат, 1996. — 242 б.
3. Канделаки Т.Л. Семантика и мотивированность терминов. — М.: Наука, 1977. — 167 с.
4. Кулмаматов Д.С. Среднеазиатские дипломатические документы и их русские переводы. — М.: МПГУ, 1994. — 108 с.
5. Саидов А. Халқаро ҳуқуқ. — Тошкент: Адолат, 2001. — 317 б.
6. Толикина Е.Н. Некоторые лингвистические проблемы изучения термина // Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. — М., 1970. — С. 53–67.
7. Юридик атамалар ва иборалар луғати. — Тошкент : Адолат, 1993. — 144 б.
8. Қосимов Н. Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси масалалари; сўз ўзлаштириш ва аффиксация масалалари. — Тошкент: Фан, 1985. — 124 б.
9. Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тилида сўз яшаш усуллари ҳақида. — Тошкент, 1960.

#### References

1. Golovin B. *Lingvisticheskie osnovy ucheniya o terminax* (Linguistic foundation teaching of terms), Moscow: Vysshaya shkola, 1987, 103 p.
2. Zokirov I. *O'zbekiston Respublikasining fuqarolik huquqi. I-qism.* (Civil law of the Republic of Uzbekistan), Tashkent: Adolat, 1996, 242 p.

3. Kandelaki T. *Semantika i motivirovannost terminov* (Semantics and Motivation of Terms), Moscow: Nauka, 1977, 167 p.
4. Kulmamatov D. *Sredneaziatskie diplomaticheskie dokumenti i ih russkie perevodi* (Central Asian Diplomatic Documents and their Russian Translation), Moscow: MGU, 1994, 108 p.
5. Saidov A. *Xalqaro huquq* (International law), Tashkent: Adolat, 2001, 317 p.
6. Tolikina E. *Nekotorie lingvisticheskie problemi izuchenia termina* (Some Linguistic Issues in the Study of the Term), Moscow, 1970, pp. 53-67.
7. *Yuridik atamalar va iboralar lug'ati* (Dictionary of Legal Terms and Expressions), Tashkent: Adolat, 1993, 144 p.
8. Qosimov N. *O'zbek tili ilmiy-texnikavi terminologiasi masalalari; so'z o'zlashtirish va affiksasiya masalalari* (Issues of Scientific and Technical Terminology in the Uzbek Language; Issues of Word Acquisition and Affixation), Tashkent: Fan, 1985, 124 p.
9. G'ulomov A. *O'zbek tilida so'z yasash usullari haqida* (Ways of Word Formation in the Uzbek Language), Tashkent, 1960.